O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2007-yil, 16-noyabr • № 46 (3926)

# ЯНГИ АВЛОД ПАРВОЗИ

***Юртимиз келажаги бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш мақсадида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ўтказилаётган кўплаб қизиқарли тадбирлар мамлакатимиз маданий ҳаётида ўзига хос воқеага айланаётир.***



Шундай тадбирлардан бири куни кеча "Халқлар дўстлиги" саройида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Камалак" болалар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган "Янги авлод — 2007" республика болалар ижодиёти фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими муносабати билан бўлиб ўтган гала-концертдир.

Дастлаб Ўзбекистон давлат консерваториясида 11 — 12 ноябр кунлари фестивалнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳри саралаш босқичи ғолиблари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилган эди.

"Янги авлод" фестивали "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг йирик ижодий лойиҳаларидан бири бўлиб, мазкур тадбир иқтидорли ўқувчи ёшларни излаб топиш, аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга. Буни қизиқувчилар ва иштирокчилар сони йилдан йилга ўсиб бораётгани ҳам яққол кўрсатиб турибди. 2004 йилдан буён ўтказилаётган ёш истеъдодларнинг бу беллашувида дастлаб уч юз нафардан ортиқ ўғил-қиз иштирок этган бўлса, айни кунга келиб салкам саккиз ярим минг ўқувчи қатнашишга муваффақ бўлди. Уларнинг қарийб беш юз нафари эса якуний-республика саралаш босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритган эди. Иштирокчилар классик мусиқа, миллий чолғу асбоблари ижрочилиги, хонандалик, рақс, тасвирий ва амалий санъат, шеърият, насрий ҳамда саҳна асарлари каби олти йўналишда ўз билим ва маҳоратлари, иқтидорларини намойиш этдилар.

Жумладан, Тошкент Фото уйида тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича ижодий беллашув ғолибларининг асарларидан иборат кўргазма очилди. Унда юртимиздаги ёш талантларнинг бирюз элликдан ортиқ ижодий иши намойиш этилди.

Айтишларича, истеъдодсиз боланинг ўзи бўлмас экан. Истеъдод баъзиларда яққол кўзга ташланса, баъзиларда бир қадар яширин ҳолатда бўй кўрсатади. Фақат ана шу иккинчи тоифадагилар истеъдодини эътибор, йўналтириш орқали кашф этиш, яъни рўёбга чиқариш мумкин. Негаки истеъдодсиз одам ҳамиша ўзига йўл очиб олади, истеъдодлилар эса кўпинча кўмакка муҳтождир. Шу маънода ҳам "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми"нинг эзгу ишлари ниҳоятда хайрлидир.

Шунингдек, мазкур жамғарманинг фан, таълим, маданият, санъат, спорт соҳаларида тинимсиз изланаётган, интилувчан ва фидойи ёшларни аниқлаш, уларнинг ўз истеъдодини тўлиқ намоён этиши учун барча имконият ва шароитларни яратиш, келгусидаги янгидан-янги ижодий парвозлар сари ундаш борасидаги ижодий лойиҳалари ҳам таҳсинга лойиқ.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жамиятимизнинг барча соҳаларида изчил олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ёш авлодни мустақил ва теран тафаккур соҳиби, соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек улуғвор мақсадга йўналтирилган. Бугунги кунда таълим тизимида жадал рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлар, жаҳон андозалари даражасидаги ўқув-тарбия, спорт-соғломлаштириш муассасалари, маданият, санъат, бадиий ижодиёт масканларининг бунёд этилиши, уларда ёшларнинг пухта билим олиши, ўз саломатлигини мустаҳкамлаши бўйича яратилаётган зарур имконият ва шароитлар бунинг яна бир инъикосидир.

Албатта, бундай эзгу ишлар истеъдодли ўғил-қизларни кашф этиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасидаги хайрли юмушларга ҳамоҳанг тарзда амалга оширилаётгани эътирофлидир.

Ушбу жамоат ташкилоти ташаббуси билан ўтказилаётган "Навқирон Ўзбекистон", "Келажак овози", "Янги авлод" каби фестиваллар, кўрик-танловлар, қобилиятли ёшларнинг интеллектуал салоҳиятларини синовчи беллашувлар, фан олимпиадаларининг тобора оммалашиб бораётгани юртимиз истиқболи учун бебаҳо кўмакдир.

Кўтаринки руҳда ўтказилиб, катта санъат байрамига айланиб кетган "Янги авлод — 2007" фестивали истеъдодларни бир мақсад сари бирлаштиргани учун ҳам бу тадбир қутлуғ қадам ҳисобланади. Ана шу қутлуғ қадам юртимиз маданияти ва санъати истиқболини янада юксак поғоналарга кўтараверсин!

*18 — ноябр Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун*

## ВАТАН

**Гулга посбон гул тикан,**
**Ошиғи булбул экан.**
**Шод этиб кўз қувнатган**
**Ватан бу — бўстон экан.**

**Ишқни топиб паридан —**
**Энг ёруғ ҳулкаридан,**
**Қарасанг сал наридан**
**Ватан бу — осмон экан.**

**Тингласанг тоғ-тошидан,**
**Сойлари — кўз ёшидан,**
**Нелар кечар бошидан,**
**Ватан бу — достон экан.**

**Яшнар шавкатинг, шонинг,**
**Ҳилпирар ҳур байроғинг,**
**Ватан — Ўзбекистонинг,**
**Ватан — азиз жон экан.**



**Қанча таъриф ва жило,**
**Кафтинг устида дуо,**
**Мусулмонга аввало,**
**Ватан бу — иймон экан.**

**Ўткир ХИДИРОВ**

# "ЎЗИГА ИШОНЧИ ЗЎР ЭДИ..."

## Мустафо Камол Отатуркнинг Амир Темур ҳақида ёзганлари

Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳаёти ва фаолияти ҳамиша жаҳон афкор оммасини қизиқтириб келади. Бу қизиқиш Туркияда ҳам кучли. Заки Валиди Тўғон, Йилмаз Устина, Исмоил Ака, Дундор Алп, М.Асат Бозқурт ва бошқа кўплаб олим ва адиблар ўз ижодий-илмий фаолиятларида бевосита Амир Темур шахсига ва унинг даврига муносабат билдириб, асарлар ёзганлар. Айниқса, иродали сиёсатчи, моҳир саркарда, кучли нотиқ, Туркия Республикасининг асосчиси ва биринчи президенти Мустафо Камол Отатуркнинг ўз фаолиятида Амир Темур шахсига мурожаат қилиши бағоят диққатга сазовор ҳодисадир. Отатуркнинг туркий халқлар тарихи, сиёсий ва ҳарбий мавзуларга оид кўплаб назарий асарлар ёзганлиги маълум.

Амир Темур вафотига 600 йил тўлиши муносабати билан Туркияда чиқадиган "Билим ва Утопия" журналининг 2005 йил май ойи сонида "Отатуркнинг қўлёзмаларида (Амир) Темур" номи остида мақола босилиб, унда Мустафо Камол Отатуркнинг қўлёзмаларида қолган Соҳибқиронга бағишланган тадқиқотидан каттагина парча келтирилган. Журналнинг ушбу сони бутунича Амир Темурга бағишланган. Таҳририят Отатурк мақоласига шундай сўзларни илова қилади: "Асли Турк тарихи жамияти архивида топилган, нусхаларини ҳурматли Гурбуз Туфекчи томонидан Отатуркнинг бутун асарлари сақланаётган архивига армуғон қилинган ҳужжатлар орасида М.К.Отатуркнинг Амир Темур ҳақида ёзган қўлёзмалари ҳам мавжуддир. Ёзувларнинг бир қисмини Отатурк ўз қўли билан ёзгандир, бир қисмини эса муҳтарама Афет Инона ёзиб олган. Отатуркнинг бу қўлёзмалари тўрт жилдлик лицей тарих китобининг иккинчи жилдидан жой олган".

Мустафо Камол Отатурк турк оламининг буюк сиймоларидан бири, жаҳонга машҳур давлат арбоби ва саркарда Амир Темур шахсига ҳамда унинг даврига жуда ҳам қизиққан. Чунки уларни руҳан бир-бирига бирлаштириб турадиган туйғулар, сабаблар бор эди. Турк олими М.Асат Бозқурт айтганидай, Амир Темур ҳам, Мустафо Камол Отатурк ҳам йўқдан давлат қурган турк фарзандлари эдилар.

Отатурк ўз тадқиқотида, Амир Темурни таърифлаб шундай ёзади: "(Амир) Темур жисмонан жуда бақувват бўлиб, у кечалари ухламасдан от устида юра оларди. (Амир) Темурда бир ҳукмдорлик хусусияти бўлиб, у буйруқ бермоқни хуш кўрарди, ўзига ишончи зўр эди.

... Амир Темурнинг ўзига хослиги таҳликали вақтларда ҳам босиқ ва мулоҳазалик бўлишида эди. Бу буюк ишлар қўлидан келадиган инсонларга хос (фазилат)...".

Тадқиқот "(Амир) Темур — дипломат", "(Амир) Темурнинг исёни", "Тошкўприкда", "Ёмғир тагида бир майдон муҳорабаси (Лой жанги)", "Икки Амир" сингари боблардан иборат. Отатурк Амир Темурнинг давлат бошига келишидан анча йиллар олдинги фаолиятини ҳам кузатади ва таҳликали замонларда қанчалар топқирлик, зеҳну идрок кучини намоён этгани, қўрқмасдан мўғул хони Туғлуқ Темурхон ҳузурига киргани, ишончини қозонгани, раҳбар сифатида чиниқиб бориши ҳақида фикр юритади.

"Мамлакатнинг хароб бўлаётганидан қалби қон бўлган (Амир) Темур ортиқ бу сиёсатга бардош беролмади ва мақсадига эришиш учун отини қамчилади, — деб ёзади Отатурк. (Бу пайт эл-юрт мўғул хони қўшинлари томонидан азобларга дучор бўлмоқда эди — ***Н.Т.***). — Бу ақлли (тўғри) бир қарор бўлди, очиқдан-очиқ қилган ҳаракати уни ҳожи ва дарвешларга қилган яширин тарғиботидан кўра катта муваффақиятларга олиб келди...".

Бир неча йиллар тўхтамаган, тинка қуритарли даражада давом этган ички низолар, жанжаллар оқибатида Амир Темур ўзининг бемисл салоҳияти билан халқ ўртасида катта шуҳрат ва ҳурмат қозонди. Ҳамма унинг ёвқурлиги, қаҳрамонлиги ва адолатли эканлигидан сўз очар эди. Мана шундай шароитда, Отатурк ёзишича, "Ҳусайннинг аскарлари, беклари қочиб Амир Темурга қўшилар эди. Буюк Турк қабилалари унинг тарафига ўтишди. Олти йил ичида бир қўшин соҳиби бўлди..."

Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганган, ундан улги олган Мустафо Камол Отатурк Амир Темурнинг Боязид Йилдирим билан муҳорабаси ҳақида гапириб, усмонли турк томирида оққан қон эмас, йиринг эди, Амир Темур жарроҳдай кесиб бу йирингни оқизиб юборди ва Усмонлилар империясига яна уч юз йил умр бағишлади, деганини айтадилар. Бу ўтмиш тарихни тўғри англашга ёрқин мисол бўла олади. Шундай сўзларни таниқли турк адиби Дундор Алп ҳам ўзининг "Шарқнинг буюк ҳоқони Темур" романига ёзган сўзбошисида келтириб ўтади.

Отатуркнинг Амир Темур ҳақидаги тадқиқотини тўлиқ ўрганиш, уни ўзбек тилига таржима қилиб, нашр этиш темуршунос олимлар олдида турган вазифалардан ҳисобланади. Зеро, Мустафо Камол Отатурк ҳам турк оламининг ёрқин сиймоларидан биридир.

**Насруллоҳ ТЎРА,**
**Халқаро Амир Темур жамғармаси хорижий мамлакатлар бўлими бошлиғи**

# ВОДИЙ УЧРАШУВЛАРИ

Ижодкор зиёлиларнинг ўз мухлислари билан учрашувлари ҳар икки томон учун ҳам ҳамиша фойдали бўлиб келган. Чунки бундай мулоқотлар чоғи янги-янги мавзулар туғилади, ижодкор ўзи яратаётган асарлари ўқувчиларда қандай таассурот қолдираётганидан, китобхонларнинг хоҳиш-истакларидан, таклиф ва мулоҳазаларидан ҳам бохабар бўлади. Шу маънода Ўзбекистон халқ шоири, бугун қутлуғ 60 ёшини нишонлаётган Анвар Обиджон ижодига бағишланиб, Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлари ва Олтиариқ туманида ўтказилган адабий-бадиий кечалар, вилоят меҳнаткашлари, талаба ёшлар, шеърият ихлосмандлари билан бўлган қизиқарли учрашувлар вилоят маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси шеърият кенгашининг раиси Жуманиёз Жабборов, халқ шоирлари Охунжон Ҳакимов, Тўлан Низом, Иқбол Мирзо, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, таниқли болалар шоирлари Миразиз Аъзам, Турсунбой Адашбоев, Ўзбекистон санъат арбоби, бастакор Анор Назаров, муҳаррирлар Аҳмаджон Мелибоев, Ашурали Жўраев, "Шарқ" нашриёт-матбаа компанияси раҳбари Омонулла Юнусов, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ижодкорлари иштирок этган бу учрашувларда Анвар Обиджон қаламига мансуб бадиий ва саҳна асарларининг маънавий-маърифий аҳамияти, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига таъсири, муаллифнинг болалар адабиёти ривожига қўшган муносиб ҳиссаси тўғрисида фикр юритилди.

Учрашувларнинг ҳар бири катта мушоирага айланиб, уларда устоз қалам соҳиблари билан бирга ёш истеъдод эгалари ҳам иштирок этдилар. Нотиқлар, айни чоғда, зиёлиларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, фаоллиги, тинчлик ва тотувликни таъминлаш, истиқлол манфаатларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш ишига қўшаётган ҳиссасига ҳам батафсил тўхталдилар. Мустақиллик шароитида вояга етаётган ёш авлод онг-қалби учун кураш, замонамиз қаҳрамонлари тўғрисида янги бадиий баркамол асарлар яратиш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш бугун ҳар бир ижодкорнинг муқаддас бурчи эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ижодкор ўз сўзи билан мухлисларини эзгулик ва яратувчанликка, Ватанни севиш ва ардоқлашга ҳамиша даъват этиши лозим. Буни элимизнинг суюкли шоирига айланган Анвар Обиджон ижодида ҳам яққол кўриш мумкин.

Фарғона вилоят театри биносида бўлиб ўтган якунловчи тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, вилоят ҳокими Абдуҳошим Абдуллаев иштирок этди.



**Болаларга ёзган кам бўлмайди.**

**Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

# ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Икки йилдан буён республикамизда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Марказий кўзи ожизлар кутубхонаси томонидан "Энг меҳрли кутубхоначи" танлови ўтказиб келинмоқда. Ёшларни кутубхоналарга жалб этиш, уларда миллий қадриятларимиз ва маънавий меросимизга меҳр-муҳаббатни шакллантириш, фидойи, ўз ишининг устаси бўлган кутубхоначиларни элга танитиш мақсадида ўтказилаётган мазкур танловнинг республика босқичида "Касбим — фахрим", "Маҳорат сирлари", "Тезкор савол-жавоблар" каби танлов шартлари бўйича беллашган 12 иштирокчи орасидан ғолиблар аниқланди. Биринчи ўрин Моҳидил Қаюмова (Қашқадарё)га, иккинчи ўрин Марҳабо Абдураҳмонова (Самарқанд), Ҳусния Одилова (Фарғона)ларга, учинчи ўрин Илҳом Аллаёров (Хоразм), Наргиза Мамадалиева (Сурхондарё), Элмира Солиева (Бухоро)ларга насиб этди.

Танловга "Санъат гулшани" маданият саройи, "Совпластитал" қўшма корхонаси, "Тошкентвино" очиқ акциядорлик жамияти ҳамда Ш.Бобожонова, М.Файзиев, Б.Шоюсупов, С.Баҳриддинов каби хусусий тадбиркорлар ҳомийлик қилдилар.

**М.КАРИМОВА**

# ШИФО ТОПДИМ

*Дил изҳори*

Инсон доимо гўзаллик ва яхшиликка интилиб яшайди. Табиатдаги бетакрор товланишлар қалбларга қувонч бағишлайди. Буни қарангки, мен оғир хасталикка чалиниб, мана шу гўзалликни кўриб яшаш бахтидан маҳрум бўлиб қолдим. Буни Аллоҳнинг иродаси, деб қабул қилдим. Аммо дард борки, давоси ҳам, албатта бўлади, дея умид билан яшадим. Кўп жойларга бордим, шифокорларга кўриндим. Шукрки, нажотни Андижон шаҳар кўз касалликлари касалхонасидан топдим. Олам рангларини яна қайта кўра бошладим. Бугун, фарзандларим, невара-чевараларим даврасида шодман, улар ҳам кўзимнинг жарроҳлик йўли билан оғриқсиз даволанганидан хурсандлар.

Эзгулик бор жойда, албатта, эътироф ҳам бўлади. Андижон шаҳар кўз касалликлари шифохонаси бошлиғи, олий тоифали врач Шоҳруҳ Қодировдан, I-тоифали врач Малика Пўлатовадан, Андижон тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди Ҳабибулло Абдуҳолиқовдан чексиз миннатдорман. Улар ўз билим ва тажрибаларини амалда қўллаб, кўзимни даволашда катта хизмат қилдилар. Умуман, шифохонада ишлаётган барча ходимларга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман. Шифохонадаги шароит, хушмуомалалик, беморларга бўлган меҳр-муҳаббат таҳсинга сазовор.

Водий аҳолисига чин дилдан хизмат қилаётган азиз шифокорларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

**Мадаминжон ОРТИҚОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

**Азиз муштарийлар!**

**"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"га 2008 йил учун**

**обуна давом этмоқда.**

Узоқ йиллик самарали ҳамкорлигимиз давом этишини истасангиз, обунани вақтида расмийлаштириб қўйишни унутманг!

Газетамиз изчил, мазмунли ва қизиқарли чиқиши сиз азиз газетхонларга ҳам боғлиқ. Бунинг учун уни йил давомида ўқишингиз, таклиф, фикр ва мулоҳазаларингизни таҳририятга ёзиб юборишингиз зарур.

**Обуна чекланмаган.**

*Нашр кўрсаткичимиз — 222*

## БИЛДИРИШ

2007 йил 21 ноябр чоршанба куни соат 14.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси, 16а-уй, 6-қават. Телефонлар: 245-98-19, 227-08-30) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб «Ўзбекистон — дилбар Ватаним» мавзусида катта мушоира ўтказилади.

Мушоирага барча қизиққанлар таклиф этилади.

## БУГУНГИ СОНДА:

БУХОРО ЖАЙРОНЛАРИ 2
3 АДИБНИНГ УЧ КУНИ
БИР САТРДАГИ МУАММО 4
5 ОҲАНГЛАР ОҒУШИДАГИ УМР

